

Ishonch

2019 йил 20 июль • шанба • № 88 (4217)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларида юксак даражага эришилганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Жаҳон банки мамлакатимизда устувор тармоқларда таркибий ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда ҳамда уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирок этмоқда.

Жорий йил 18 июль куни Тошкентда Иқтисодий кенгашнинг биринчи мажлиси ҳамда энергетика соҳасини ислоҳ этиш бўйича давра суҳбати муваффақиятли ўтказилди, улар давомида ҳамкорликнинг бош устувор йўналишлари, истиқболдаги шерикликка доир аниқ дастур ва лойиҳалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилган ва давом этаётган лойиҳаларнинг умумий ҳажми 5,2 миллиард доллардан ортган.

Жорий йилнинг ўзида Жаҳон банки 850 миллион доллардан зиёд бўлган янги кредитларни маъқуллади. Улар тадбиркорлик, мактабгача таълимини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш

каби йўналишларни қамраб олади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, «Обод қишлоқ» дастурини биргаликда молиялаштириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга доир лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасидаги шериклик алоқаларини кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Банк-молия сектори ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, таълим, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сирил Мюллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Жаҳон банки президенти Девид Мелпасснинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Банк Ўзбекистонда устувор тармоқларда амалга оширилаётган таркибий ислохотларнинг суръати ва натижадорлигини юксак баҳолаши қайд этилди.

Сирил Мюллер мамлакатимиз ва бутун минтақанинг барқарор тараққиёти йўлида Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида Жаҳон банкининг интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ў.А.

Фарғона вилояти

Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Ниҳол» болалар оромгоҳида «Оромгоҳимда бешта муҳим ташаббус» танлови ташкил этилди.



Ёз – ўтмоқда соз

Ташаббускор болалар баҳси

Унда «Ниҳол»нинг «Шодлик», «Хумо» оромгоҳининг «Болалик», Қувасой шаҳридаги маҳалла болаларининг «Эврика» жамоалари ўзаро беллашди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббусни қўллаб-қувватлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш касба уюшмаларининг муҳим вазифасига айланган, – дейди

Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши расиси Эркинжон Нуралиев. – Ташкил этилган мазкур танлов ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизга бир мисолдир.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг расомчилик, китобхонлик, хунарманчилик, шашка, стол тенниси, футбол, компьютер саводхонлиги, рақс, рубоб, доира, қўшиқ

айтиш қобилиятларини муносиб баҳолади. – Жаннатмонанд юртимизнинг хушманзара жойлари, пурвиқор тоғлари, шарқираб оқаётган сойлар тароватини ўз суратларимда ифодалашга ҳаракат қилдим, – дейди «Хумо» оромгоҳи дам олувчиси Зухра Ажибоева.

Ҳакамлар эътирофидан бошим осмонга етди. – Компьютерга қизиқаман, – дейди «Ниҳол»

оромгоҳи дам олувчиси Аҳрор Олимов. – Шунинг учун танловда учинчи ташаббус бўйича қатнашдим. Берилган шартларни қўйналмасдан бажардим. Келажакда дастурчи бўлмоқчиман. Бунинг учун эса ҳали кўп нарсаларни ўрганишим лозим.

Танлов якунида болаларнинг китоблар тўплами тухфа этилди. Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Саломатлик – туман бойлик

Тиббиёт фанлари доктори Мухтор Эшбеков:

«НОБЕЛЬ СОВРИНДОРИ БЎЛГАН ОЛИМГА ЭЪТИРОЗИМ БОР»

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги узоқ йиллардан буён одамларни бевозта қилиб келаётган дардлардан ҳисобланади. Дунё тажрибасида касалликни даволаш методлари ва бу борадаги тиббиётчиларнинг фикрларини бир хил дея олмаيمиз. Масалан, шу йўналишдаги тадқиқотлари учун Нобель мукофотини олган австралиялик олимлар – Маршалл ва Уоренлар ошқозон яраси касаллигини юқумли касалликлар тоифасига киритишган. Бугунги сўхатдошимиз ҳам ўз тадқиқот ишини ва умрининг асосий қисmini ушбу касалликни ўрганишга бағишлаган инсон, тиббиёт фанлари доктори Мухтор Эшбеков бўлади. Тажрибали шифокор ўзининг юзлаб жарроҳлик амалиётлари, илмий изланишлари асослашиб, ошқозон яраси касаллигини юқумли эмас, деган тўхтамга келди ва бунинг асосларида баътафсил баён этган. Қуйида олим билан сўхатда мазкур касалликнинг келиб чиқиши, ривожланиш жараёни, уни самарали даволаш, шунингдек, кундалик шароитда билишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз болади.



3»



Давлатимиз раҳбари «Туризм тўғрисида»ги қонунни имзолади.

«Huruqiy axborot» канали

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 18 июль куни Сирдарё вилояти Ховос туманига ташриф буюрди.

uz.uz

2019 йил 18 июль куни Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоевнинг Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

senat.uz

Шу йилнинг 17 июль куни Диний эркинликларни илгари суриш масалаларига бағишланган иккинчи вазирлар конференциясида иштирок этиш учун Вашингтон шаҳрига Ўзбекистон делегациясига бошчилик қилиб борган ташки ишлар вазири Абдулазиз Комилов АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича Махсус вакили Залмай Халилзод билан учрашди.

mfa.uz

Хитой корхоналари фаолиятини хорижда ривожлантириш ассоциацияси (CODA) бош қотиби Хэ Чжэньвэй бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

uz.uz

Акматалиқ Мавлонов Наманган вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

uz.uz

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси чегара ҳукумат аппаратининг учрашуви бўлиб ўтди.

uz.uz

Грузиянинг Боржоми шаҳрида бўлиб ўтган I Халқаро ёш классик ижрочиларнинг «Боржоми – 2019» танлови ҳамда VIII Халқаро фестивалида Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Махсус фортепиано» йўналиши иккинчи курс талабаси Маҳмуд Абдулазизов ғолибликни қўлга киритди.

Маданият вазирлиги матбуот хизмати

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида туркиялик фотограф Орхан Дургут билан ҳамкорликда «Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарининг қўлёзма нусхалари ва «Дунё ислом шаҳарлари» номли халқаро фотокўргазма иш бошланди.

uz.uz

Ўзбекистонлик 64 нафар ёш тадқиқотчи тажриба алмашиш учун Беларусь Республикасига жўнаб кетди.

uz.uz

Давра суҳбати



Янги қонун биз учун нега керак?

«Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси бошланди. Ҳўш, мазкур ҳужжат касба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар манфаатдорлигини ҳимоя қилишда қандай ўрин тутади? Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси масъул ходимларининг давра суҳбатида шу хусусда сўз борди.

2»

Меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон касба уюшмаларининг фаолият кўзгусида

1109 та

бошланғич ташкилотда қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида меҳнат муҳофазаси талаблари ўрганилди

Алоҳида хавfli иш шароитига эга бўлган 5314 та объектда

3309 та

қонунбузилиш аниқланди

Касба уюшмалари аралашуви билан қонунбузилишларнинг

70

фоизи ҳал этилди. 11 та ҳолат бўйича судга мурожаат қилинди

Меҳнат муҳофазаси бўйича

607 та

профилактик тадбир ўтказилди

Иш берувчиларга

550 та

тақдимнома киритилди

Иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазаси ҳолатлари бўйича

391 та

маълумот берилди

Касба уюшмалари меҳнат муҳофазаси доирасида

32 та

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишда иштирок этди

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлиги бўйича

187 марта

текшириш ўтказилди



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан тақдим этилган ушбу маълумотлар 2019 йилнинг 1 январидан 22 июнь кунигача бўлган даврдаги ҳолатни акс эттиради.



Навоий вилояти

Навоий вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Аниқлик ва шаффофлик — муваффақият калити



Бирлашма кенгаши расиси Назира Тоғаева дастлаб иштирокчилар диққат-этиборини тизим йўналишида олиб борилаётган устувор вази-фаларнинг бажарилишига қаратиб, аниқлик ва шаффофлик асосида ишлаш-гина муваффақият келтири-шини таъкидлади. Шунинг-дек, ўтган давр давомида вилоят касабаси уюшма таш-килотларига меҳнатга оид қонунбузилишлар ҳамда ижтимоий соҳа муаммо-лари билан боғлиқ му-рожаатларнинг келиб ту-шиши, уларнинг таҳлили, бу борада амалда қўланиши лозим бўлган ҳаракатлар, чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Навоий вилоятида 2019 йилнинг ярим йилги ора-лигида касабаси уюшма-ларига аъзо корхона ва таш-килотларда оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳо-ди-салар тўғрисидаги ахборот йиғилишида алоҳида муҳо-ка-мага сабаб бўлди. Тегишлича эҳтиёт чоралари кўриш, меҳнат хавфсизлиги қоид-ларига тўла-тўқис амал қи-лиш зарурлиги тўғрисида жиддий тақлифлар ўрта-га ташланди. «Навоийазот» ак-циядорлик жамияти ҳамда Қизилтепа туманидаги ви-лоят кўприклардан фойда-ланиш унитар корхонаси ка-саба уюшмалари мутасадди-ларига иш жараёнида ҳалок бўлган ходимлар оиласига бериладиган ойлик нафақа-ларнинг ўз вақтида тўла-ни-шини назорат қилиб бориш тўғрисида топшириқлар бе-рилди.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида ви-лоят касабаси уюшма ташки-лотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда унинг корхона ва таш-килотлардаги куйи бўғинлари томонидан «Фаол инвести-циялар ва ижтимоий риво-жланиш йили» Давлат дасту-рининг бажарилиши, фуқа-роларни қўллаб-қувватлаш, уларга сўзда эмас, амалда ҳар томонлама ёрдам бериш бо-расида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан,



Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»

Таҳлил



Гўзэля БОБОНИЁЗОВА, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси юридик бўлими бош юристконсулти:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли янгиланишлар касабаси уюшмалари фаолиятини ҳам жиддий ўзгартиришни тақозо этмоқда. «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазкур талабни амалга ошириш нўқтаи назаридан ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳока-мисига қўйилди.

Давр тақозоси

Авваламбор, амалдаги «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятининг ка-фолатлари тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, яъни 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, таби-ийки, у давр нўқтаи назаридан анча эскирган-ни эътироф этишга тўғри келади.

Касабаси уюшмалари ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар кўз олдимизда гавдаланади. Чунки бош-ланғич ташкилот тизимнинг пойдевори ҳи-собланади. Аммо уларни ташкил қилиш масаласи амалдаги қонунда ўз ифодасини топмаган.

Бошланғич касабаси уюшма ташкило-тини давлат томонидан рўйхатдан ўтқа-зишда қандай ҳужжатлар талаб қилинади? Рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай? Қамда 3 нафар аъзодан иборат бўлса, юридик шахс ташкил қилиш шартми-йўқми? Юри-дик шахс ташкил қилмасдан ҳам фаолият

юртиса бўладими? Янги қонун лойиҳасида шу саволларга жавоб топиш мумкин.

Яна бир жиҳат, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга биноан касабаси уюш-малари ҳам жамоатчилик назоратини таш-кил қилиш бўйича алоҳида хусусиятларга эга. Лекин бу қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаган. Ушбу қонун лойиҳасида эса касабаси уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини таш-кил қилишнинг ҳуқуқий асослари, уни таш-кил қилганда қандай кафолатлар, қўшимча имтиёзлар, ҳуқуқий мақомга эга бўлиниши белгилаб берилган.

Шунингдек, ижтимоий шерикликни тартибга солиш, амалга оширишнинг ме-ханализмлари ва уни энг куйи бўғин — бош-ланғич ташкилотларда ривожлантириш ма-саласида бўшлиқ мавжуд эди. Маълумки, республика даражасида ижтимоий шерик-лик йўлга қўйилган. Уни энг куйи поғонагача

етказиш керак, деб ўйлаймиз. Шу маънода ижтимоий шериклик тамойиллари, унинг механизми, хусусиятлари ва ҳуқуқий мақоми янги қонунда белгилаб берилган.

Умуман олганда, янги қонун лойиҳаси куйидаги самараларни бериши кутяпти:

- 1. Касабаси уюшмалари фаолиятини тар-тибга солувчи қонунчилик базаси такомил-лаштирилади.
- 2. Ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳи-моси таъминланади.
- 3. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда касабаси уюшмаларига қулай ша-роитлар ва кафолатлар таъминланади.
- 4. Касабаси уюшмаларининг иш бериувчи-лар, ижроия ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларнинг механизми та-комиллашади.

Ёшларга алоҳида эътибор

— Юртимиз аҳолиснинг 60 фоиз-дан ортигини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлат ва жамият учун нечоғли аҳамиятли эканини тақрор-лашга ҳоҳлат йўқ. Албатта, бу жара-ёнда касабаси уюшмаларининг муно-сиб иштирокини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шу маънода янги қонун лойиҳасида ёшларнинг касабаси уюш-масига бирлашиш ҳуқуқи акс эттирил-ган. Янги ҳуқуқий нормалар, жумладан, олий ўқув юрти талабаларига шундай имкониятни яратди. Яъни, талаба-лар ҳам конституциявий ҳуқуқлари-дан фойдаланиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун касабаси уюшмасига бир-ла-шиш ҳуқуқи эга бўлади.

Янги қонун биз учун нега керак?



«Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси бошланди. Ҳўш, мазкур ҳужжат касабаси уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар манфаатдорлигини ҳимоя қилишда қандай ўрин тутати? Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси маъсул ходимларининг давра сўхбатида шу хусусда сўз борди.

Бошланғичлар

ҳуқуқи кенгайди

— Шу ўринда қонун лойиҳаси-даги муҳим бир жиҳатни алоҳида қайд этиш ўринли-дир. Бу ҳам бўлса, ходимларни бахт-сиз ҳолисалардан ҳимоялаш комиссия-сияларида бош-ланғич касабаси уюшмаларининг ҳам иштироки таъминланиши-дир. Меҳнат жамо-алари ўз вакиллик органларини шакл-лантириб, вакил-ларини мазкур комиссия тарки-бига киритишлари мумкин бўлади. Меҳнат шариоит-лари, унинг бахт-сиз ҳолисасига уч-раш сабаблари, оқибатлари, у ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёки йўқ эканлиги, дало-латнома расий-лаштириш белги-ланган тартибда амалга оширилади.



Нодира КАРИМОВА, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи:

— Албатта, амалдаги қонунда кузатила-ётган камчиликларга қарамай, ўз тар-кибига 14 та тармоқ касабаси уюшмаси ва 32400 дан ортиқ бошланғич ташки-лотни бирлаштирган Ўзбекистон касабаси уюшмалари ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаат-ларини ҳимоялашда самарали натижа-ларга эришиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир. Касабаси уюшмалари тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маз-кур қонун лойиҳаси эса бу борадаги фа-олият қўламини янада оширишга хиз-мат қилади.

Ҳўш, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга нима мажбур қилди?

Айтиш жоизки, амалдаги қонун касабаси уюш-маларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳи-мос қилмаётти, улар фаолиятининг шаффоф ме-ханализми ва кафолатларини таъминламаётти. Шу билан бирга, оқориди айтилганидек, касабаси уюш-малари томонидан жамоатчилик назоратининг са-марали механизми, уни амалга оширишнинг

Энг муҳим янгиликлар нимада?

тамомийлари, шакллари ва усуллари қонунчилик билан мустаҳкамланмагани, касабаси уюшмаларини ташкил этиш, биринчи навбатда, касабаси уюшма-ларининг бошланғич ташкилотларини давлат рўйха-тидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг қонун дара-жасидаги тартиби мавжуд эмаслиги, рўйхат-дан ўтишда ҳужжатларни тақдим этиш талаблари тартибга солинмагани, касабаси уюшмаларининг иш бериувчилар, давлат ҳокимияти органлари бил-лан ўзаро ҳамкорлиги, шу жумладан, ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлигининг аниқ тартиби ва мезонлари белгиланмагани асосий камчилик-лар сирасига киради.

Янги қонун лойиҳасида эса асосий тушунчалар — «касабаси уюшмалари», «бошланғич касабаси уюш-маси ташкилоти», «касабаси уюшмаси органи», «ка-сабаси уюшмалари бирлашмалари» ва бошқалар, касабаси уюшмалари фаолияти тамойиллари, яъни ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик қабилад, улар-нинг ҳуқуқий мақоми алоҳида моддада янги нор-малар билан киритилмоқда.

Қолаверса, касабаси уюшмаларини ташкил этиш, шу жумладан, бошланғич ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг аниқ тартибини белгилаш, рўйхатдан ўтказишда талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати аниқлаштирилгани айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, иш бериувчиларнинг ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиши устидан ка-сабаси уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати амалга оширишнинг аниқ механизми тарти-бга солинмоқда. Бу тадбир ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, ҳужжатни сўраш, тақлиф ва та-всиялар киритиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи ор-

ганларга маълумотлар юбориш, шикоят қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Эътиборли жиҳати, касабаси уюшмаларига қў-шимча ҳуқуқлар берилмоқда. Ижтимоий-иқти-содий масалаларни ҳал этишда қатнашиш, бан-даликни таъминлашда ёрдамлашиш, меҳнатни муҳо-фаза қилиш соҳасида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш, ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорни муайян муддатга тўхтатиб туриш юзаси-дан тақлифлар киритиш ва бошқалар шулар жум-ласидандир.

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофа-за қилиш қоидаларига амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш мақсадида касабаси уюшмалари томонидан ўз инспекцияларини ташкил этиш, ка-сабаси уюшмаларининг мулк ҳуқуқлари кафолат-лари, улар мулкни, шу жумладан, тадбиркорлик асосида шакллантириш манбаларини қонун билан мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг асосий янгиликларидан яна бири — касабаси уюшмаларининг иш бериувчи-лар, ижроия ҳокимияти органлари билан ўзаро му-носабатларининг самарали механизми, улар-нинг ижтимоий шерикликда иштирок этиш шакл-лари аниқлаб бериляпти. Иш бериувчиларга касабаси уюшмалари учун шариоитлар яратиш мажбурия-тини юклаш, яъни кўмаклашиш, тақлифларни ўз вақтида қўриб чиқиш, иш жойларига тўқисиз ки-риш имконини бериш, керакли ҳужжатларни тақ-дим этиш каби нормалар ҳам киритилмоқдаки, буларнинг барчаси тизимнинг янада самарали ишлаши учун муҳим омиллар ҳисобланади.

Халқаро меъёрларга мос

фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шах-лар, чет эт фуқароларининг касабаси уюш-маларига бирлашиш ҳуқуқи кўзда ту-тилган. Бу халқаро ҳуқуқ тамойилларига мос келадиган меъёр. Шунингдек, амал-даги қонунга биноан касабаси уюшмалари корхона-ташкилотларда тузилиши бел-гиланган бўлса, янгида эса барча иш ўринларида касабаси уюшмалари тузиш мумкин бўлади.

ХМТнинг 98-сонли конвенциясига кўра, касабаси уюшмалари мустақиллигини таъ-минлаш учун иш бериувчилар касабаси уюш-маси таъсисчиси ва сайлаб қўйиладиган

органи аъзоси бўла олмайди. Шунингдек, касабаси уюшмаларига иш бериувчилар таш-килотлари ва сиёсий партияларга молия-вий кўмак бериш тақиқланади. Биз назарда тутаятган ҳужжатда бу жиҳатлар эътиборга олинган бўлиб, касабаси уюшмалари ва иш бериувчилар ташкилотларининг бир-бири билан мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Яширишга ҳоҳлат йўқ, баъзи ҳолларда фуқаролар ишга жойлашаётганда иш бери-увчилар уларга касабаси уюшмасига аъзо бўлмаслик ёки аъзолликдан чиқиш талабини қўйиши мумкин. Ходимнинг касабаси уюш-масига аъзо бўлмайман, деб берган тилхати

ҳақиқий эмаслиги янги қонун билан белги-лаб қўйилган.

Амалдаги қонун 27 йилдан буён амал қилмоқда ва шу давр ичиде меҳнат бозо-рида руй берган катта ўзгаришларни ўзида акс эттирмайди. Шу ўзгаришларни касабаси уюшмалари фаолиятида ифодалаш учун янги қонунга касабаси уюшмаларининг жамо-атчилик назорати, касабаси уюшмаларининг жамоатчилик инспекциялари ва меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик масалала-рига тааллуқли янги боблар киритилди.

Касабаси уюшмалари бирлашмаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги иштироки кафолатлари кучайтирилганини ҳам муҳим янгиликлар сирасига қўйиш мумкин. Айни пайтда Ка-сабаси уюшмалари Федерацияси бундай ва-колатга эга бўлса, эндиликда республика миқёсидаги касабаси уюшмалари бирлаш-маларининг барчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин. Шунингдек, касабаси уюш-малари ўз аъзолари олдида ҳисобот бе-риш мажбурияти қонун билан мустаҳкам-лаб қўйилди.

Шу ўринда қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда мазкур соҳа бўйича етакчи хори-жий давлатларнинг қонунчилиги ва та-жрибаси ўрганилган, халқаро ҳужжатлар — Халқаро меҳнат ташкилотининг конвен-циялари талаблари эътиборга олинганини таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқлар ҳимояси такомиллашмоқда

— Янги қонун лойиҳасида касабаси уюшмалари инспекциясини тузиш назарда тутилган. Улар Касабаси уюшмалари Федерацияси, тармоқ касабаси уюшмалари, касабаси уюшма ташкилотлари бир-лашмалари қошида тузилади. Унга кўра, мазкур инспекция ходим-лари касабаси уюшмаси тузилган-тузилмаганидан қатъи назар, ҳар қандай корхонага кириб бориб, меҳнат қонунчилигига амал қи-линишини назорат қилиш ҳуқуқи эга бўлади.

Дунё тажрибасидан маълумки, касабаси уюшмаларига аъзо бў-лиш ихтиёрийдир. Конституциямизда ҳам бу белгилаб қўйилган. Шу ўринда айтиш жоизки, касабаси уюшмаси тузилмаган корхонада қўллаб муаммолар келиб чиқади. Жамоа шартномаси, ички локал ҳужжатлар, яъни ички тартиб-қоидалар, меҳнатни муҳофаза қи-лиш қоидалари — буларнинг барчаси иш бериувчи томонидан касабаси уюшмаси билан келишиб имзоланадиган ҳужжатлар. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ҳам ички томонлама келишув асосида та-сдиқланади. Ишловчиларнинг вакиллик органи мавжуд бўлмаса, бун-дай ҳужжатларни қай тарзда қабул қилиш мумкин? Ҳуқуқ ва манфаат деган тушунчалар мавжуд. Ҳуқуқ қонун

ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган бўлса, лекин манфаат ту-шунчаси уларда акс этмаган. Суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига муурожаат қилиб ўз ҳуқуқимизни тиклошимиз мумкин. Манфаатимиз бузилганда, бундай қоллолмайми. Манфаатимизни ҳуқуққа ойлантиришнинг битта-ю битта йўли, бу жамоа шарт-номасидир. Агар ходимларнинг манфаатлари тўлиқ ифодаланган жамоа шартномаси иш бериувчи билан имзоланса, у ҳуқуқий ҳуж-жатга айланади ва жамоа шартномасини бажармаганлиги учун иш бериувчи меҳнатга оид қонунлар асосида жавобгар ҳисобла-нади.

Янги қонун лойиҳасида меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда жамоа кели-шувлари ва шартномаларини тузишда касабаси уюшмалари усту-вор ҳуқуққа эга экани, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни амалга оширишни назорат қилувчи уч ва икки томонлама комис-сиялар тузилиши кўзда тутилган. Бу, шубҳасиз, ишчи-ходимлар-нинг қонуний манфаатларини таъминлаш ишларини такомил-лаштиришда муҳим ўрин тутати.



«Ishonch» мухбири Тўлқин ШЕРПАЕВ ёзиб олди

1
– **Мухтор ака, сўхбатимиз аввалида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиқларининг келиб чиқишига тўхталсангиз.**

– Бу касаллик нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам кенг тарқалган бўлиб, аҳолининг ёш, айниқса, ишга яроқли қисмида кўп учрайди. Бевоқиф касалликнинг келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги йилларда австралиялик Маршалл ва Уорен деган олимларнинг назариясига асосан уни «хеликобактер пилори» номи бактериялар келтириб чиқаради ва у юқумли, деган қараш кенг тарқалди. Бу нотўғри назария аҳолини мазкур касалликнинг асл келиб чиқиши сабабидан чалғитиши ва натижада уни келтириб чиқарувчи ҳақиқий омилларга эътиборсиз бўлишга олиб келиши мумкин. Балки касалликнинг келиб чиқишига айнан ушбу бактерияларни сабаб қилиб кўрсатиш замирида дунёнинг йirik фармкомпанияларининг қизиқиши ва манфаати ётган бўлиши мумкин. Аслида эса ушбу касаллик 170 йилдан зиёд давр мобайнида ўрганиб келинмоқда. Кўпчилик олимларнинг олиб борган тадқиқотлари таяниб айтилган бўлса, «хеликобактер пилори» дегарли ҳамма одамларда ва кавш қайтарувчи ҳайвон-

тўйимли эмаслиги, муттасил оч юриш. Учинчи омил эса оғир ва узоқ давом этувчи жисмоний ҳамда ақлий меҳнат. Бу сабаблар бирлашиб, ушбу касалликнинг юзага келишига туртки бўлади.

– **Юқорида санаб ўтилган касалликни келтириб чиқарувчи омиллар қандай сабабларга кўра ошқозон ширасини ошишига таъсир кўрсатиши мумкин?**

– Тасаввур қилайлик, стрессга тушган одамнинг организмда қандай жараёнлар кечади? Аввало, унинг организми жунбушга келиб, қон босими ошади, танасида турли гормонлар кўпаяди. Гормонлардан таъсирланган натижада моддалар алмашинуви кучайиб, тўқима-маларнинг очлигини очлик ҳисси билан алмаштиради керак. Тўқималар оч бўлишига қарамасдан, баъзида инсоннинг иштаҳаси бўлмаслиги мумкин. Тўқималарда энергия манбаи бўлган қондаги озуқалар, шу жумладан, глюкоза микдори камайиб кетади. Миянинг очлик маркази бўлаётган ҳолатни таҳлил қилиб, бош миянинг жигар, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак фаолиятини бошқарадиган марказларига айтилган озуқа билан таъминланг, деб сигнал юборади. Натижада, ошқозон шираси, сўлак

аниқланади. Шундан сўнг Европа тиббиёти мана шу бактерия инсон ошқозонига яллиғланиши ва яра келтириб чиқарадиган яна сабаб, деган тўхтамга келди ва буни бутун дунёга ёйди. Ҳатто 10 йил олдин Нобель мукофотини ҳам беришди. Бу воқеадан кейин бошқалар ҳам зўрма-зўраки бу назарияни тан олгандек бўлди. Аслида эса оддий чой ичганимизда ёки қорнимиз очқанида, овқатланиш пайти келганида эндоскопда қаралса, ошқозон шиллиқ қавати қизарганини кузатамиз. Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Илмий тадқиқотда бир тарафлама, биргина кишида ўтказилган тажриба билан хулосага келиш ўзини оқламайди. Тажриба ўнлаб кишида ўтказилиши, Маршалл бир пайтнинг ўзида параллел равишда бошқа инсонларда ҳам «хеликобактер пилори» микроби бўлмаган ошқозон ширасини солиштириш учун ичириб кўриши лозим эди. Ана шу жиҳатдан австралиялик ҳамкасбимнинг чиқарган хулосаларига эътирозим бор. Мазкур ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликлари инфекция эмас.

Биласизми, баъзида ўйлаб қоламиз. Бизнинг олимларимизда Фарбада нимани маъқул кўришса, «Шу тўғри, шуни қабул

– Ошқозон яраси касаллигида шундай жиҳатлар борки, шифокор уларга эътибор қаратмасдан туриб яхши натижага эришиши қийин. Масалан, касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бош омилини аниқлаш ва уни йўқотиш. Мен ушбу касалликка чалинган 600 дан ортқ беморлар билан сўхбатлашганимда уларнинг 90 фоизи стресс ҳолатида юрганини, ҳаётида катта муаммоси борлигини айтишди. Демак, биз шифокорлар бемор билан психологдек сўхбатлашимиз, диллашимиз, уни яхши гаплар билан тинчлантиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Тинчлантирибгина қолмай, беморнинг кўнглини кўтаришга эришишимиз керак. Ўзбекиликда яқин инсонини йўқотган одамга «Бандалик» деб ҳамдардик билдириш, кўнгли сўраш одати бор. Шу биргина сўз четдан қараганимизда ҳалиги одамга унча таъсир этмайдигандек туюлиши мумкин, аммо кетма-кет яқинлари, дўстлари, биродарлари томонидан айтилган бу каби юпанч сўзлари одамга, албатта, анча таскин беради. Кишининг шу дарддан «жароҳатсиз» чиқишига кўмаклашадим. Биз шифокорлар ҳам қаршимизда турган беморни шўкр қилишга, «Бориға барака» қабилида

Тиббиёт фанлари доктори Мухтор Эшбеков: «НОБЕЛЬ СОВРИНДОРИ БЎЛГАН ОЛИМГА ЭЪТИРОЗИМ БОР»

ларнинг ошқозонидан учрайди. Бактерия ҳайвонларда азотли озуқаларни ҳазм қилишга ёрдам бериб, улар учун фойдалидир.

Бир ярим асрдан ортқроқ муддатда ошқозон ва ўн икки бармоқли яра касаллигининг кўп жиҳатлари обдан ўрганилган ва унинг соматик (ноинфекцион) касаллик эканлиги тасдиқланган. Келиб чиқиш механизми ҳақида ўндан зиёд назариялар яратилган. Тўғри, бу назариялар касалликнинг айрим босқичларини тўшунтириб берса-да, уни-версал мохиятга эга эмас. Баъзилари, шу жумладан, инфекция назария, деган қарашлар ҳатто куракда турмайди. Менинг илмий изланишларим бу назарияларнинг ҳом ва самарасиз эканлигини исботлаш ҳамда яра касаллигининг асл мохиятини тўшунтира оладиган яна назария яратилган бўлишига аслоқий қарайман. Аслида, яра касаллиги ошқозон ширасидаги ош тузи кислотасининг меъдидан ошиб кетиши билан узвий боғлиқдир.

Маршалл ва Уорен тақдир қилган назарияни таҳлил қиладиган бўлсак, унда бактерияларнинг ошқозон ширасидаги ош тузи кислотаси билан боғлиқлиги кўрсатилмаган. Менинг кейинги пайтларда ўтказган тажрибаларим шуни кўрсатдики, «хеликобактер пилори» бактериялари ишлаб чиқарадиган уреаз ферменти ошқозон ширасидаги эркин ош тузи кислотасини нолга туширади. Бундан келиб чиқадими, бу бактериялар яра пайдо бўлишига олиб келмайди, аксинча, ошқозон шиллиқ қавагини химояловчи воситадир.

Энди ошқозон ширасининг ошишига олиб келувчи омилларга тўхталадиган бўлсак, улар бир нечта бўлиб, дастлабки, бу асабийлашадир. Иккинчиси ўз вақтида овқатланмаслик ёки овқатнинг

ишлаб чиқариш кучаяди. Шундай пайтда овқатланмаслик кислотаси кўпайган шира таъсирида ошқозоннинг шиллиқ қаваги яллиғланишига, кейинроқ эса яра ҳолати бўлишига олиб келади. Бу ўринда ҳеч қандай инфекция роль ўйнамайди.

Айни кунларда катта хавотирда юрган абитуриентларимизнинг орасида ҳам бундай вазиятларга тушиб эҳтимоли юқори бўлганлар талайгина. Чунки ақлий фаолият билан шугулланганда инсон организми катта энергия сарфлайди.

Бунинг устига ўқишга қаттиқ берилиб кетиш натижа-сида сифатли ва вақтида овқатланмаслик ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бунинг устига «Имтиҳонда қандай саволлар тушар экан?», «Ўқишга қира оламанми?», «Киролмасам нима қиламан?» каби хавотирли ўй ва ташвишлар касаллик учун қулай шароит бўлиб хизмат қилади. Бундай пайтда биз ёшларга вақтида ва сифатли овқатланиш жуда-жуда муҳимлигини уқдирган бўлардик.

– **Домла, мана ҳозир аён бўлмоқдаки, инфекция орқали ошқозон яраси пайдо бўлади, деб дунёга жар солиётган австралиялик олимлар бошқа катта омиллари инкор этмоқда. Қўш, улар қандай тажрибаларга асосан шундай хулосага келишган?**

– Дарҳақиқат, бундай хулосаларга ўз-ўзидан келинмаган. Уша «хеликобак-тер пилори» микробини толган Маршалл шундай бактериялари бор деб гумон қилинган инсоннинг ошқозон ширасини ичади. Маълум муддатдан кейин олимнинг ошқозонида гастрит — ошқозон шиллиқ қавагида катарал (юзак) яллиғланиш ҳосил бўлганлиги

қилиш керак экан», деган қараш шаклланган. Гўёки ўзимизнинг бу тажрибаларга оид назарияларимизни исботлашга илмий салоҳиятимиз етарли эмасдек. Лекин сўнгги йилларда Президентимизнинг олимлар, илмий тадқиқотчиларга кўрсатётган эътибори, ишончи ёшларимизни ўз устида ишлашга, кўпроқ излашни олиб боришга туртки бўлади деган фикрдаман.

– **Шу ўринда касалликни даволаш усулига ҳам тўхталсангиз. Айрим шифокорлар ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигида адоги йўқ бир дунё дори препаратларини ёзишади. Сиз каби айрим тажрибали тиббиётчилар эса бор-йўғи ушбу дори таъсирини таъсир эттишади. Касалликни ўрганиш олим сифатида бундай ҳолатларни қандай изоҳлайсиз?**

– Ҳозирги кунда ҳар хил шифокорлар бор, уларнинг тажрибаси, билим даражаси ҳам турлича. Бироқ касалликни даволашда узундан-узоқ рецетп шарт эмас. Комплекс ёндашиш зарур. Ҳаттоки, ошқозон ширасини пасайтирадиган гуруҳ таркибига кирувчи биргина дори билан ҳам даволаса бўлади.

Бу борада, айниқса, сохта дорилардан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки мазкур гуруҳ дориларини ишлаб чиқарадиган ҳақиқий фирмалар маҳсулотни қутилган натижани бериб, беморлар дардида даво бўлса, сохта дорилардан киши малҳам топмайди. Шу ўринда мамлакатимизда ушбу йўналишда ишлаб чиқарилаётган дорилар анчайин яхши самара бераётганини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим.

– **Ҳамкасбларингиз ва беморларга касалликни даволашда дори препаратларидан ташқари яна қайси жиҳатларга амал қилиш муҳимлигини эслатган бўлардингиз?**

кенгфёлийлик билан яшашга ундашимиз, руҳиятини кўтаришимиз лозим.

Иккинчидан, овқатланиш тартибини тўғрилади керак. Аввало, беморнинг тишлари даволанишга муҳтож бўлса, албатта, даволаниши зарур. Токи ошқозонга майин, яхши чайналган озуқа тушсин. Илгарилари бу касалликда кўпроқ бўтқалар таъсир қилинган бўлса, ҳозирда кўйишдан тайёрланган таомлар ҳам буюрилмоқда. Чунки улар организмга яхши энергия беради. Шундан келиб чиққан ҳолда майдаланган, ҳазм қилишда оғирлик қилмайдиган қиймалли, айниқса, ҳалим ва атала каби миллий таомларимизни таъсир қилган бўлардик. Бундан ташқари, бемор маълум муддат дам олиши, энергия талаб қилувчи юмушлардан чекланиб туриши лозим. Чунки инсон қанча кўп ҳаракат қилса, ишласа, организмда шунчалик кўп очлик кузатилиб, ошқозон шираси ишлаб чиқариш ҳолати кўпаяди. Натижада касаллик кучайиб бораверади.

Касалликнинг дастлабки босқичида эса беморларга уч маҳал оддий рангли сув ичириш орқали ҳам, уларни ишонтириш йўли билан даволаш мумкин. Дори билан даволаш келсак, ошқозон ширасини пасайтирувчи водород ионларини блокада қилувчи дорилар гуруҳидан биргинаси кифоя қилади. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликлари жуда ваҳимали эмас. Уларни даволаш биз шифокорлар ва беморларнинг интилишимиз ва ҳаракатимизга боғлиқ.

– **Мухтор ака, бизга жуда фойдали маълумотлар айтдингиз. Сўхбат ўқувчиларимиз учун ҳам жуда қизиқарли бўлди, деб ўйлайман. Келусида яна тажриба ва таъсирларингиз билан ўртоқлашасиз деган умиддамиз.**

Аброр ТОҲИРОВ
сўхбатлашди.

«Ishonch» газе-

тасида чоп этилган «Адолат» СДП расиси Наримон Умаров билан сўхбатни ўқиган кишида бир қатор саволлар юзага келади.



Мукимжон ҚИРГИЗБОЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Шунча ишлар қилинган экан-а?

Ҳозир кўпчиликда партиявий ҳаёт ва сайлов жараёнлари тўғрисида тузуқ-куруқ тасаввур йўқ. Бу каби ҳолат сўхбатда ҳам сезилиб турибди. Партия ишларига доир берилган ахборотларнинг талай қисми партиявий фаолиятга мансуб эмас. Парламент кун тартиби, раис таъкидлаган қонунчилик ташаббуслари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 17 нафар депутатдан иборат фракцияси бор бир партиянинггина иши эмас, балки улар бошқа фракциялар билан ҳамжиҳатликда амалга оширилган.

Партия етакчиси сўхбатда партиянинг ютуқлари сифатида кейинги икки-уч йил ичида бўлган ишларга ҳам тўхталган. Бу бежиз эмас. Чунки, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва унинг самарали фармонларининг ижроси натижада мамлакатга инновация оқимининг кириб келиши жадаллашди, «электрон ҳукуматни» давлат бошқарувида жорий этиш орзудан амалиётга айналди. Қолаверса, энергетика тизимидagi рақобатдошликни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини ишла солиши каби соҳалардаги туб ўзгаришлар кимиларнингдир ташаббуси билан эмас, балки мамлакатда энергетика тақчиллиги сезилгани, бу соҳага нисбатан катта зарурат туғилгани учун унга ҳукумат катта эътибор қаратмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, нафақат «Адолат»,

балки барча сиёсий партиялар раҳбарлари томонидан иддао қилинаётган ташаббусларнинг аксарияти, аслида, давлат раҳбари ва ҳукуматнинг жамиятни янгилашга доир ишларнинг натижаси ўлароқ ҳаётимиз кун тартибидан пайдо бўлди ва улар ҳаётда ўз натижасини бермоқда. Бу ташаббусларни воқеликка айлан-тириш жараёнлари халқимиз кўз ўнгидан со-дир бўлмоқда.

Шунинг учун уларни осонгина ўзлаштириб олишнинг ҳеч бир иложи йўқ.

Сўхбатда келтирилган бошқа ахборотлар ҳам партиявий фаолиятга унчалик мос келмайди. Аслида, партия раҳбари партиянинг энг асосий мақсади сифатида бошланғич партия ташкилотларининг (БПТ) Мирзиёев ташаббуси ва унинг самарали фармонларининг ижроси натижада мамлакатга инновация оқимининг кириб келиши жадаллашди, «электрон ҳукуматни» давлат бошқарувида жорий этиш орзудан амалиётга айналди. Қолаверса, энергетика тизимидagi рақобатдошликни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини ишла солиши каби соҳалардаги туб ўзгаришлар кимиларнингдир ташаббуси билан эмас, балки мамлакатда энергетика тақчиллиги сезилгани, бу соҳага нисбатан катта зарурат туғилгани учун унга ҳукумат катта эътибор қаратмоқда.

Тахририятдан:

Мутахассис-эксперт Мукимжон Қирғизбоевнинг бу фикрлари тахририятни мулоҳазага ундади. Сўхбатда қайд этилганидек, ўтган даврда партия ва унинг фракцияси жуда кўп ишларни амалга оширган. Бир қарашда бунга «тасанно» дейиш мумкин, бир қарашда эса «наҳотки» дея ажабланмасликнинг иложи йўқ. Бундай дейишимизга сабаб шуки, сўхбат давомида «Адолат» СДП фракцияси ўтган 5 йил давомида 42 та қонун лойиҳаси бўйича ташаббус билан чиқиб, уларнинг барчаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинишига эришилгани қайд этилган. Аммо бу фақат мазкур партиянинг

ишими? Буни бошқа фракциялар қандай баҳолашар экан? Наримон Умаровнинг партиялар фаоллиги ҳақидаги сўровнома натижалари тўғрисидаги саволга берган жавобидан қониқмаганини учун поитихонда кичик сўровнома ўтказдик. Унда аҳолининг турли қатлам вақилларига «Шу йил охирида қандай сайловлар бўлиб ўтади?», «Қайси сиёсий партияни биласиз?» дея мурожаат қилдик. Минг афсуски, ҳар 10 кишидан 1-2 нафаринигина саволларга жавоб бера олишди. Қолганлар эса жараёнлардан мутлақо беҳабар.

Хуллас, сўхбат шундай тасаввур уйғотди: шунча ишлар қилинган экан-у, биз эса...



Андижон вилояти

Бир ўйдан иккинчисига кўчиш нақадар машаққат эканини бошдан ўтказган одам яхши билади. Жихозларни таш-тириш, тартиб билан жойлашга озмунча куч керакми ахир?! Шунинг учун эскилар топиб айтишган: «Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр!»

Не дейсизки, «Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти Куйганёр бўлими маъмурий биноси сўнгги уч йилда нақ бешинчи манзилга кўчди. Билишимизча, бу сўнгиси эмас – яқин келажақда тагин кўч-кўронини йиғиштириб, бошқа бино излашлари эҳтимолдан холи эмас. Сабаби, айни дамда вақтинча қўним топган «қароргоҳ» сув ҳўжалиги тизимидаги идоралардан бирига тегишли. Ташкилот дастлаб Андижон-Куйганёр магистрал йўли бўйида, гарчи кўримсизроқ

бўлса-да, транспорт қатнови қулай бинода фаолият кўрсатаётган эди. Қўш қаватли ишоот бирдан таъмирланишига тушди. Сўнг жиноят ишлари бўйича туман суди ихтиёрига ўтиб кетди. Электр таъминоти бўлимига эса шу атрофдаги фойдаланилмай турган собиқ

«Кўчманчи» идорани излаб...

ёхуд «кўч-кўч»дан безор ходимлар ва оворагарчиликдан азият чекаётган рамажозлар хусусида

ишлаб чиқариш корхонасининг бир бурчагидан жой теғди.

Бироқ кўп ўтмай бино-ишоотлар ўрнида янги ташкил этилган пиллачилик кластери иш бошлаши маълум бўлди. Электр таъминоти идораси яна кўчада қолди. Излай-излай, катта йўл бўйидан анча ичкарида жойлашган собиқ

автокорхона биносига кўчиб ўтилди. Қарангки, бу ерининг ҳам харидорлари бор экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, электрчиларнинг паттасини қўлига тутқазиди. Хайриятки, туман маркази яқинида ўтган йили иш бошлаган «Инновацион лойиҳалар маркази»нинг юқори қа-вати бўш экан – мана шу жой жонга оро кирди. Аммо уч ойга ҳам бормади, қадрдон ташкилотимиз бу ердан ҳам «бадарга» қилинди.

Электр корхонасининг навбатдаги – бешинчи манзили бўлиб қолди. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, ўша сув ҳўжалиги биносига ҳар ойда 5 миллион сўмдан ижара

ҳақи тўланмоқда. Энг ёмони, жиҳозларни бу бинодан унисига ташийвериб, силласи қуриган ходимлар эса ҳамон ҳадиқда. «Ишқилиб, йил охиригача шу жойдан ҳам кўчмасак бўлди!» Халқимизда «Чекинга тушса, чекчайма!» деган гап бор. Модомки, электр таъминоти идо-

раси ўз биносига эга эмас экан, муқдорларнинг ҳар қандай шартларини бажаришга, улар хоҳлаган вақтда туёғини шўқиллатишга мажбур. Бироқ масаланинг энг оғриқли жиҳати бор. Куйганёр бўлими 28 минг абонента хизмат кўрсатади. Бир кунда ўртача 150-200 нафар одамнинг иши тушади. Тинимсиз кўчишлар мана шу мижоз-

ларни чалғитаяпти, уларнинг асаби, вақтини ўғир-ляптади. Ахир ҳамма ҳам ташкилотнинг қаерга кўчиб ўтганини билвермайди-ку! Излашга тушади, сўраб-суриштиради, бош уриб топиб бор-гунча овора-и сарсон бўлади.

Аввало, туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари дўппини бошдан олиб, муқим жой масаласини жиддий ўйлашлари керак. Ўзинг учун ўл етим, деган гап бор. «У экан, бу экан», деган ваз-корсонларни бир чеккага йиғиштириб қўйиш зарур. Нега бундай аҳвол бошқа туманларда муаммо даражасига чиқиб кетмаган? Қолаверса, туман ҳўкмилиги, вилоят электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари ҳам талабчанлик, қатъият кўрсатмасалар бўл-майди чоғи!



Нурилло НЎЗОМОНОВ,
«Ishonch»

Ажабо!

Давоми. Бошланиш ўтган сонларда

Олд Осиё ўлик тиллари бўйича етакчи мутахассис И.М.Дьяконов «Шумер тили» мақоласида қуйидагича хулоса чиқарган: «Ҳозирги билимимиз билан асосий луғат фонди материалларининг бошқа тиллардаги аналогик материаллари билан ўзаро боғланишларини аниқлай олмаймиз, бу балки шумер тили дастлабки товуш тизимининг унлилар ассимиляцияси ва охириги товушлар тушиб қолиши таъсирида кучли бузилгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги вақтда шумер тилини бошқа бирон тил ва тиллар билан қариндошлиги аниқланмаган ягона (алоҳида) тил деб ҳисоблашга тўғри келади».

Айни билим ҳолатимиз ва Дьяконов мақоласидаги мавжуд лексик материал шумер тилининг ҳозирги жонли туркий тиллар билан маданий қариндошлигини кўрсатади.

И.М.Дьяконов мисол тариқасида юздан сал ортик шумер сўзларидан фойдаланган. Мен эса 50 ёки 80 та сўзни ҳам олишим мумкин бўлган ҳолда 60 дона сўзни олдим. Нега бу сонни танладингиз дейсизми? Чунки Шумердаги энг юқори ҳисоб 60 га тенгдир. Энг катта сон 60х60, 60х60х60 ва ҳоказо. Олтишлик ҳисобининг манбаи ҳам шу ерда: бир дақиқа – 60 сония, бир соат – 60 дақиқа, айлана эса 360° ...

Ушбу рамзни қўлласак, зора, луғат иши юришиб кетса... Луғат тўлиқ ўрганилган, 60 та сўз билан дастлабки изланишдан сўнг 60 ва яна 360 марта кўп сўзлар жалб қилинса... Бироқ аминманки, денгиз таъмини билиш учун бутун Тинч океани сувини ичиш шарт эмас, шамол юзингизга урган томчилар ҳам етарли.

Луғатда асосан, Худо ва инсон тоифасига оид сўзлар қисқаланади. Тоифалар орасида қатъий чегарани белгилашга доим муваффақ бўлинмайди. Жумладан, туғиш атамаси, ер номи, тоғ, кўёш номлари қайси тоифага қиради? Қадимги кишилар одамнинг келиб чиқишини илоҳийлаштирган ва уни англаш учун боқувчиси Ер, олов, она-аёлга сўйинган: одамзод ва табиий ҳодисалар худолар авлоди деб қаралган.

Иккинчидан, шумерча сўзлар алифбо тартиби билан эмас, семантик уялари бўйича берилган. Илк шакллар алоҳида белги билан ажратилган.

Бундан ташқари, турли қатаклардаги қавслар орасида жонли туркий тилларда қайда этилган шакллар варианты ишораларсиз, лекин тарқалган макони ёки лаҳжалар (баъзи мустанолар ҳам бор) акс эттирилган. Шумерга тегишли қатакларда қавслар орасида сўз ёзилишининг вариантлари келтирилган. Ҳужжатларга қулайлик яратиш учун қисқаларга атамалар ҳозирги кирилл алифбосида акс эттирилган. Рус тилида мавжуд бўлмаган товушлар ифодаси учун диакритик белгилари ҳарфлар (ä – юмшоқ «а», ö – юмшоқ «ў», я – юмшоқ «у») билан берилди.

Мисол: инсон тоифали сўзлар

Table with 3 columns: №, Шумерча, Туркча. Row 1: 1. Ада – ота* / Ата (ада) – ота (умумтуркий). Row 2: 2. Ама – она / Ама (аба, апа, ана) – она (умумтуркий).

Кишилик оломшларининг кўплик шакллари шумер матнларида учратилмайди. Кўплик шакллари сунъий ҳосил қилинган, деган фарз мавжуд. Бу ҳақда С.Е.Малов Кул Тегин битиктоши таржимасига бағишланган изоҳларида ёзиб кетган. У БИЗ ва СИЗ оломшлари ясалши тарихини қуйидагича тасвирлайди: БИ+СИ=БИЗ (мен+сен=биз), СИ+СИ=СИЗ (сен+сен=сиз).

Агар чиндан шундай ясалган бўлса, кўплик шакллари бирлик оломшларида ҳали бурун товушлари ҳосил бўлишидан аввал вужудга келган. Яъни кишилик оломшларининг биринчи ва иккинчи шахс илк шакллари шумер шакллари билан анча яқин.

Серсув ва шарбатли ўсимликлар ЕРЕН деб номланган бўлса керак. Турли хил тиллардаги мисоллар асосида маъно силжиши «игнабаргли дарахт»дан «япроқ барглилар» томон юз берганини биламиз. Масалан, лотинча ЕБУЛУС – қорақарағай ЕБУЛУМ – маржон (бута) – рус тилида «ель», «ёлка» ва шеваларда «елха», «ельха» – олха, «еленец» – тоғарча.

Қозоқ тилида ЕРЕНдан ЕРМЕН – «эрман», «шувоқ» ҳо-

Табиат тоифаси

Table with 3 columns: №, Шумер, Туркий. Row 1: 1. АМАР – бузоқ, бола(ча) / МАРА – хайван бошлари бола ҳисобланган мўдат (усм.турк.); МАРАА (МАРКА) қўнчоқ (умумтуркий); ПАРУ – бузоқ (чуваш). Row 2: 2. ГАШ – қуш / КУШ (КУС) – сўз қушлари, қуш (умумтурк.); ҚУШМА сўзлар таркибидаги «ТАШ», «ТАЙ»: қарамғаш – қалдирғоч («қорамтир қуш»), торғай – чумчуқ (тарғай қуш). Қарга – қарга (қора қуш) ҚАЗ (ҚАЗ) (умумтуркий) сўзи билан ҳам қисқалаш мумкин.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили

тахта (ўрта юнонча). Ана шулардан tabel – жадвал (ҳолландча), tafel – тахта, жадвал, стол сўзлари келиб чиққан. Славян тилларидаги ТАВЛИЯ – тахта (сербча), ТАБЕЛА – жадвал, ТАВЛИНКА – дарахт пўстлогидан ясалган кулдон (рус шеваларидан), ТАВЛИЯ – шахмат тахтаси (қадимги русча) ҳамда ҳозирги рус адабий тилидаги ТАБЕЛЬ, ТАБЛИЦА, ТАБЛО, ФАБУЛА, ТАВРО, ТИП сўзлари ҳам шумер тилининг «ТУП»и билан боғланган.

Инсоният Шумер сабоқларини унутмади. Ҳатто сопол жадвалларнинг шакли (яъни фишлар), материали (қуйдирилган лой), уларда акс эттирилган тасвирлар (жадвалларнинг тик тартибда берилиши) ҳам сўзларда ифодаланган. Ҳозирги оврупаликлар ва туркий халқларнинг аجدодлари шумерларнинг кичик сополларга ёзилган китобларни қўзи билан кўрган. Шумерларнинг бу буюк ихтироларидан фойдаланган.

Вақтлар ўтиб туркийлар сопол жадвалларни қайта номлашга уриниб кўрдилар ва «КИР ПИЧИК» – «лой китоб» кўшма сўзини яратдилар.

Қисқа хулосалар

1. Келтирилган жадвал шумер лексикаси ва туркий лексика билан қисқаланиши учун асос борлигини кўрсатади.

2. Мисоллар мазкур тиллар узоқ мuddат давомида ўзаро алоқада бўлганлигига гувоҳлик беради. Айрим ҳолларда шумер лексемалари туркий лексемаларга боғлиқ эканлиги очик-ойдин кўриниб қолади.

ФОНЕТИКА

а) Туркий материаллар билан қисқалаш аккад ёзувида юмшоқ унлиларни ифодоловчи белгилар бўлмаганлиги натижасида вужудга келган асос борлигини кўрсатади.

ноаниқликларни аниқлаш имконини беради. Жадвал шумер тилида у-я, а-ё товушлари сифат жиҳатидан фарқланганини кўрсатади.

Туш-туш «тушмоқ» шева шакллари фикримизни тасдиқлайди. Т ва Д ундошлари фақат юмшоқ унлилар билан ҳақида ҳозир бир нарсга дейиш қийин. Лекин сўзда товушлар уйғунлашиши учун мойиллик бор. Шумер сўзлари яхлитлашишга интилади, яъни сўзгаги ундошлар таркибининг бир хил унли билан тўлдиришга ҳаракат қилинади: дингир, сикил, удун, амар, думу, дингир, ерен, забар, сахар, емек, дили, узуг, урук ва бошқалар. Бундай жараёнга фақат ўзлаштирилган сўзлар, яъни морфологик таркиби ноаниқ бўлгани учун яхлит хис қилинган сўзлар тортилган (тума – думу, тенгир-дингир, табир-дирб ва ҳ.з.).

Айни чоғда таркиби аниқ бўлган ўз сўзлари бу тилда бир хил унли билан яхлитланмайди: енши, енки, угкен, кена, шутаг, ибра ва бошқалар. Ушбу қоида ўзлашган сўзларни аниқлашда билвосита ташхис вазирасини ўтати мумкин. Муайян истиснолар ҳам борлигини, ўзлашган сўз ўзининг дастлабки товуш соҳиятини сақлаб қолиши мумкинлигини ҳам эътибордан ҳусит қилмаслик керак. Масалан: гештук. Ҳар ҳолда бундай сўзлар тилга сўнроқ кириб, ҳали яхлитлашиб улгурмаган ҳам бўлиши мумкин. Шуба, сйба – «чўпон, подачи» ана шундай сўзлардандир. Дастлабки оҳангини бузиш (унлилар ассимиляцияси) шумер сўзининг оҳангини таг-туғи билан ўзгартириб юборади. Шунинг учун ҳам бошқа тил материаллари билан шумер тилининг илк шакллари қисқаласдан тиклашнинг илоҳи йўқ.

Таржимон

Бахтиёр ИСАБЕК ЎРДАБЕКЛИ

(Мазкур асарнинг тўлиқ матнини тез кунларда ishonch.uz сайтида ўқишингиз мумкин)

Хабарнома!

Эълон

«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ Бухоро вилояти прокуратураси билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик «Ким ошди» савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги мулклар қўйилган:

- 1. 2009 йда илч. «ЭПИКА» русумли, д/р 80/971 ЕВА бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 26 009 857 сўм.
2. 2008 йда илч. «Нексия» русумли, д/р 80/308 ЈВА бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 17 606 710 сўм.
3. 2009 йда илч. «Нексия» русумли, д/р 80/293 ЈВА бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 18 887 357 сўм.
4. 2008 йда илч. «Нексия» русумли, д/р 80/294 ЈВА бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 18 717 757 сўм.
Савдо 2019 йл 24 август кунни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.
Аризалар 2019 йил 23 август кунни соат 18:00гача қабул қилинади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситалари савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очик савдоларга 2019 йил 31 август ва 7-, 14-, 21-, 28 сентябрь кунлари чиқарилади.

Шунингдек, «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик «Ким ошди» савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги мулклар қўйилган:

- 1. 2005 йда илч. «Нексия» русумли, д/р 80/760 FBA бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 6 434 000 сўм.
2. 2005 йда илч. «Дамас» русумли, д/р 80/523 CBA бўлган автомашина.
Бошлангич баҳоси – 4 893 000 сўм.
Савдо 2019 йил 27 август кунни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар 2019 йил 26 август кунни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситалари савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очик савдоларга 2019 йил 3-, 10-, 17-, 24 сентябрь кунлари чиқарилади.

Савдоларда қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- Мулкни сотиб олиш учун ариза;
- Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси;
- Савдо ташкилотчилигининг ҳисобрақамига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, АТИБ «Ипотек-банк»нинг «Сардор» филиали, х/р: 20208000604658859001) мулк бошлангич баҳосининг 15 фоиз миқдоридagi гаров пулини тўлаганиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига

расмийлаштирилган ишончнома:

– Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автотранспорт воситалари учун аризаларни қабул қилиш (шанба ва яқшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхта-тилди. Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулклар билан танишиш имконияти яратилади.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси. Телефон: (0-365) 221-58-87.

Хизматлар лицензияланган.

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданий вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг улғурма саккиз йиллигига бағишланган «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» аънавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажгимиз», «Беш ижодий ташаббус» каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларни кенг ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» аънавий кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларнинг журналистик ишлари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатда олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Кўрик-танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаффили ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаффиининг паспорт нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаффиининг манзили ва боғлиқлиги телефонлари.
Кўрик-танловга 2018 йилнинг 1 августидан 2019 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августига қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йилгирма саккиз йиллик баърами арафасида тақдирландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилларга юборилиши лозим:

- 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, телефонлар: 71 244-35-35; 71 244-64-61, 71 244-27-79;
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, телефон: 71-231-83-67;
100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-А уй. «Ўзбекино» миллий агентлиги, телефон: 71 277-81-05.

Эълонлар

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Янгиҳаёт кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган дўкон биноси учун Эракаев Батир Ўбайдуллаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан «O'ZAVTOSANOAT» акциядорлик компанияси номига Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 8-уйда жойлашган «GM Uzbekistan» АЖ учун берилган (кадастр рақами: ер майдонига – 10:11:01:02:01:02882, бино-иншоотига – 10:11:01:02:01:02888) кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«BRIO GROUP» МЧЖ (СТИР: 304408302) жамият таъсисчисининг 15.07.2019 йилдаги 18-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 97-А уйдан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ҚХАЙ кўчаси 9-хонадон қилиб ўзгартирилди. Барча манфаатдор корхона, муассаса ва ташкилотлар талаб ва эътирозлари ҳамда таклифлари янги юридик манзил бўйича қабул қилинади.

Жиззах вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси кенгаш раиси Нусратулла Пардаевага опаси

Қорасоч ПАРДАЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

- Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоси келишилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муайнлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

- Т. Шернаев
Мусаҳҳиш: С. Шодиева
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов
УА яқини – 22:45
Топширилди – 00:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳанми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 717.

28020 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133